

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ
ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРКАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ВА НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc 27.06.2017.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

МУЗАФФАРОВА МАУЖУДА КАДИРБАЕВНА

**МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАТЕРИАЛЛАРИ БИЛАН КЎЧУВЧАН
ҚУМЛАРНИ РЕСУРС ТЕЖАМКОР МУСТАҲКАМЛАШ**

05.09.05 –Қурилиш материаллари ва буюмлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
Автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Музаффарова Маужуда Кадирбаевна
Маҳаллий ишлаб чиқариш материаллари билан кўчувчан қумларни
ресурстежамкор мустаҳкамлаш3

Музаффарова Маужуда Кадырбаевна
Ресурсосберегающее закрепление подвижных песков вяжущими материалами
местного производства.....21

Muzaffarova Maujuda Kadirbayevna
Resource-saving fixation of moving sands with locally produced
binding materials.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....43

**ТОШКЕНТАРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ
ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРКАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ВА НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc 27.06.2017.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

МУЗАФФАРОВА МАУЖУДА КАДИРБАЕВНА

**МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАТЕРИАЛЛАРИ БИЛАН КЎЧУВЧИ
ҚУМЛАРНИ РЕСУРСТЕЖАМКОР МУСТАҲКАМЛАШ**

05.09.05 –Қурилиш материаллари ва буюмлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.1.PhD/Т128 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент темир йўл муҳандислар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.taqi.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мирахмедов Махамаджон Мирахмедович**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ходжаев Саидаглам Аглоевич**
техника фанлари доктори, профессор

Махаматалиев Иркин Муминович
техника фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент автомобил йўллари лойиҳалаш,
қуриш ва эксплуатацияси институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Самарканд Давлат архитектура-қурилиш институти ва Наманган муҳандислик-қурилиш институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017.Т.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил 18 декабр соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 13 уй. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (16 рақами билан рўйхатга олинган). ((Манзил: 100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 13 уй. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00).

Диссертация автореферати 2018 йил 5 декабр куни тарқатилди.
(2018/ йил 16 ноябрдаги 3 рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акрамов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Х. Камиллов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

С.А.Ходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий
семинар раиси т.ф.д., профессор

КИРИШ (Докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда транспорт тизимлари, хусусан автомобиль ва темир йўлларнинг қурилиши ва улардан фойдаланишнинг салмоғи тобора ортиб, уларда ҳаракатланиш хавфсизлигини ошириш, йўлларнинг ҳолати ва транспорт оқимига салбий таъсирни камайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ривожланган давлатларида, жумладан АҚШ, Франция, Хитой, Россия, Беларусь, Қозоғистон давлатларида автомобиль ва темирйўлларга табиий иқлим шароитлари ва бошқа омилларнинг салбий таъсир даражасини пасайтириш, шу билан бирга йўлларнишамол ва кўчувчи қумлар таъсиридан ҳимоялаш технологияларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан кўчувчан қумлардан объектларни ҳимоялашнинг усуллари ва технологиялари, муайян мезонлари асосида дефляцияга қарши химоя кум-боғловчи қобикни турғунлигини баҳолаш учун тадқиқотнинг ресурстежамкор усуллари, қумларни мустаҳкамлаш учун боғловчи материалларнинг янги таркибларини ишлаб чиқишетақчи ўринни эгалламоқда.

Жаҳонда объектларни қум босишидан сақлаш учун кўчувчан қумларни мустаҳкамлашда биологик, механик, физик-кимёвий ҳимоялаш усуллари ҳамда уларни комбинацияланган янги ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан кўчувчан қумларга боғловчи материалларни шимдириб, уларнинг юзасида дефляцияга қарши қобик ҳосил қилиб маҳкамлашнинг физик-кимёвий усуллари такомиллаштириш муҳим вазифалар бири ҳисобланади. Шу билан бирга муайян мезонлари асосида дефляцияга қарши химоя кум-боғловчи қобикни турғунлигини баҳолаш учун тадқиқотнинг ресурстежамкор усуллари, қуруқ ва нам ҳолатдаги кўчувчан қумларни мустаҳкамлаш учун маҳаллий ишлаб чиқаришнинг иккиламчи хомашёсидан эритма сифатида боғловчиларнинг ишчи таркибларини ва уларни қумга сингдириб ҳимоя қобиғини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамызда саноат, маҳсус ва транспорт иншоотларини қуриш, улардан фойдаланиш соҳасида, хусусан автомобил ва темир йўллари ҳолатини яхшилаш ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришда энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан объектларни кўчувчан қумлардан сақлаш учун комплекс ресурстежамкор, белгиланган хоссаларга эга бўлган ва дефляцияга қарши ҳизмат қиладиган буюм-қобикни яратиш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқаришнинг сувда

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони

эрувчан иккиламчи хомашёсидан боғловчи ишчи таркибларини яратиш, кўчувчи кумни мустаҳкамлашда меҳнат унумдорлигини оширувчи технологияларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 28 сентябрдаги Қурилиш индустриясини 2016-2020 йилларда янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида, 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ-3422-сон «2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муаян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II.«Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сахролар ва ярим сахролар Ер юзининг 31,4 млн. км² майдонини эгаллаб, улар қаторида, шу жумладан, Африкадаги Сахрои Кабир ва Калахари, Осиёдаги Гоби ва Такла-Макон, Шимолий Америкадаги Ўлим водийси жойлашган Мохаве саҳросини келтириб ўтириш мумкин. Инглиз, француз ва рус тилларида чоп этилган кўп сонли нашрлар ҳам ана шундан далолат беради ва жаҳондаги йирик тадқиқотчилар Францияда Toupet Charles, Courel M., Австралияда Ashkenazy Y., Yizhaq H., Tsoar H., Германияда Rochette, R., Қозоқистонда Ивлев Н.П., Россияда Каменев А.М. ва бошқалар шуғулланиб, ушбу масалаларни ҳал қилишга катта ҳисса қўшганлар.

Кўчувчан кумларни Ўзбекистон Республикаси шароитларида мустаҳкамлаш масалалари билан кўплаб тадқиқотчилар, шу жумладан ТошТЙМИ лабораториясида ҳам Закиров Р.С., Фазилов Т.И., Лем Р.А., Мирахмедов М.М., Одилхўжаев А.Э., Палагашвили В.М. ва бошқалар бу соҳада турли йилларда ўз тадқиқотлари асосида муҳим натижаларга эришганлар.

Маҳаллий ва хорижий амалиётдан келиб чиқиб, кумларни мустаҳкамлаш боғловчи моддалардан аксарияти Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмаслиги, эмульсия кўринишида ишлатиладиганлари (масалан, госсипол қатрони) кўп жараёнлилиги, меҳнат унумдорлиги пастлиги, кумларни мустаҳкамлаш ишларини (ҚМИ) фақат табиий куруқ кумда тадқиқ этилиши ресурстежаш имкониятларини чегаралаб кўйганини такидлаш мумкин. Ҳуллас, шу кунгача ресурс сарфини сезиларли даражада камайтириш учунмаҳаллий ишлаб чиқаришнинг ёндош ва эритма ҳосил қилувчи материалларидан боғловчи иш таркибларини камайтириш, ҚМИни йил давомида бажариш мумкин бўлган вақтини ошириш имкониятлари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент темир йўл муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №А-14-016 «Фойдали энергиятежамкор

технологияларни ишлаб чиқиш, экзоген геологик жараёнларни аниқлаш ва уларни темир йўлга салбий таъсирларини пасайтириш» (2014-2015) ва №А-14-22 «Ўзбекистон темир йўллари мисолида экзоген жараёнлар намоён бўладиган шароитларда ресурс ва энергия тежамкор усуллар билан табиий-техник тизимларни лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш учун тавсияларни ишлаб чиқиш» (2015-2017) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўчувчан кумларни мустаҳкамлаш учун маҳаллий ишлаб чиқарилган боғловчи материалларидан комплекс ресурс иқтисод қилувчи, белгиланган хоссаларга эга дефляцияга қарши қобиқ таркиби ва ушбу қобиқни ҳосил қилиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дефляцияга қарши химоя кум-боғловчи қобиқни шамолга қарши турғунлигини асослаш учун тадқиқотнинг ресурстежамкор экспресс-усулини ишлаб чиқиш;

маҳаллий ишлаб чиқаришнинг иккиламчи хомашёсидан (декстрин, КП-001 полиакриламид елими) эритма сифатида боғловчиларининг ишчи таркибларини ишлаб чиқиш;

декстрин, КП-001 полиакриламид елими эритма турдаги боғловчи-ларининг ишчи таркибларини қуруқ ва нам ҳолдаги кумда шимдириб химоя қобиғини ишлаб чиқиш имкониятини тадқиқ қилиш, муайян хоссаларга эга химоя қобиғини ҳосил қилиш ва ҳосил қилиш технологиясини ишлаб чиқиш;

декстрин, КП-001 полиакриламидли елим асосида яратилган ишчи таркиблардан қуруқ ва нам кумга шимдирилганда ҳосил бўлган қобиқ структурасининг шаклланишини тадқиқ қилиш ва ресурс тежайдиган омилларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида дефляция манбаини тўсувчи ва кумни учишини олдини олиш имконини берувчи, кум субстратини боғловчи материаллар билан шимдириб олинган дефляцияга қарши химоя қобиғи олинган.

Тадқиқотнинг предмети нам ҳолдаги кумни шимдириб яратилган дефляцияга қарши боғловчи-кумли химоя қобиғининг физик-механик, физик-кимёвий ва техник-иқтисодий параметрларини ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашувига асосланган ҳолда физик моделлаштириш, кум-боғловчи қобиқни тажриба моделларини физик-кимёвий кўрсаткичларини замонавий ва анъанавий асбоб-ускуналардан фойдаланиб ўлчаш ва ўлчаш натижаларини график интерпретация қилиш, кум-боғловчи қобиқни структуравий тузилишини рентген нурлари таъсирида ва спектроскопия орқали ўрганиш, климатик шароитларини ўзгартириб чидамликка синаш, математик-статистик таҳлил қилиш ҳамда таққослаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дефляцияга қарши кум-боғловчи химоя қобиғини шамолга қарши турғунлигини баҳолашнинг янгича ёндошуви ҳосил қилинадиган қобиқнинг хоссаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

физик моделлаштириш асосида курук ва нам ҳолатдаги кўчувчан кумларни мустаҳкамлаш учун маҳаллий иккиламчи хомашёдан (декстрин, КП-001 полиакриламид елими) эритма сифатида боғловчиларнинг ишчи таркиблари ишлаб чиқилган;

қобиқ ҳосил қилиш учун шимдириш ишчи таркибдаги боғловчининг концентрацияси ва қопланадиган юза бирлигига сарфи кумнинг намлигига боғлиқлиги кум-боғловчи қобиқни структуравий тузилишини рентген нурлари таъсирида ва спектроскопия тадқиқотлари асосида аниқланган;

нам кўчувчан кумларга боғловчи моддаларни сингдириш жараёнида капилляр кучларнинг гравитацион кучларга нисбатан устунлиги физик моделлаштириш, кузатув ва ўлчовлар орқали аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

муайян мезонлари асосида дефляцияга қарши химоя кум-боғловчи қобиқни турғунлигини баҳолаш учун экспресс-усули ишлаб чиқилган;

физик моделлаштирув асосида нам ҳолатдаги кўчувчан кумларга боғловчи моддаларни сингдириб дефляцияга қарши қобиқни яратиш технологияси ишлаб чиқилган;

математик модели асосида лаборатория шароитларини табиий шароитларига идентификациялаш, синовлар ўтказиладиган ҳарорат режимини аниқлаб олиш учун математик модел асосида ҳисоблаш бўйича компьютер дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги юқори самарали ресурстежамкор дефляцияга қарши қобиқни яратиш учун тадқиқотнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, тажриба натижалари қурилиш меъёр ва қоидалари асосида амалга оширилганлиги, ҳисоблаш компьютер дастури ҳамда тажриба ва назарий тадқиқот натижаларининг ўзаро мутаносиблиги ва амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқори самарали ресурстежамкор дефляцияга қарши қобиқни яратиш учун боғловчи моддалардан фойдаланиш имконини баҳолашга янгича ёндошувнинг ишлаб чиқилганлиги, эритма таркибидаги боғловчининг қонцентрацияси ва ишчи таркибнинг нисбий сарфини сезиларли даражада камайтирувчи манбаси сифатида кумнинг намлиги аниқланганлиги, нам кўчувчан кумларни боғловчи моддаларни сингдириш жараёнида гравитацион кучларининг устунлиги капилляр кучларга ўзгаришининг табиати очиб берилганлиги кўчувчан кумларни боғловчи материаллар билан физик-кимёвий усулида мустаҳкамлаш назариясини ривожлантирилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тадқиқотнинг экспресс-усули, яратилган ресурстежамкор технологияси орқали маҳаллий ишлаб чиқарилган иккиламчи хомашёдан олинган боғловчи материаллар – декстрин ва КП-001 полиакриламидли елимларидан ишлаб чиқарилган полимеркумли химоя қобиғи амалиётда қўлланиши натижасида мустаҳкамловчи материалларни ва тадқиқот вақтини тежаб берган ҳолда муайян сифат кўрсаткичларига мос келиши қобиқ шамолга турғунлиги баҳоланиб объектларни кум уюмларидан химоялаш

имкониятини беради, математик моделлаштириш асосида ишлаб чиқилган компьютер дастури лаборатория шароитни табиий ҳолат каби қабул қилиб, тадқиқотлар ишончлилигини билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий ишлаб чиқарилган боғловчи материаллари билан кўчувчи кумларни ресурстежамкор мустаҳкамловчи қобикни ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

маҳаллий ишлаб чиқаришнинг иккиламчи хомашёсидан (декстрин, КП-001 полиакриламид елими) эритма сифатида боғловчиларининг ишчи таркиблари «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тассаруфидаги темир йўл майдонлари, хусусан, Навоий-Учқудуқ-Мискин Км 273, Км 274 майдонларига қуруқ ва нам ҳолатдаги кўчувчан кумларни мустаҳкамлаш жараёнига жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2018 йил 1 февралдаги 208-сон маълумотномаси). Натижада муайян талабларга эга ҳимоя қобиғи яратилиши ва мустаҳкамлаш ишларини механизациялаш даражасини ошириш орқали меҳнат сарфини 60% га камайтириш имконини берган;

кўчувчан кумларни мустаҳкамлаш бўйича ресурстежамкор технология «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тассаруфидаги темир йўл майдонлари, хусусан, Навоий-Учқудуқ-Мискин темир йўлининг Км 273, Км 274 майдонларида жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2018 йил 1 февралдаги 208-сон маълумотномаси). Натижада материал сарфини 50%га камайтириш, кўчувчан кумларни биологик усулида мустаҳкамлаш учун экилган кумли худудлардаги ўсимликлар уруғларини ўсиб-ўниб чиқиши 15%га ошириш имконини берган;

ишлаб чиқарилган экспресс-усули «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тассаруфидаги темир йўл майдонлари, хусусан, Навоий-Учқудуқ-Мискин Км 273, Км 274 майдонларида дефляцияга қарши ҳимоя кум-боғловчи қобикни турғунлигини баҳолаш жараёнига жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2018 йил 1 февралдаги 208-сон маълумотномаси). Натижада экспресс-тадқиқот қўлланиши орқали полимеркумли қобикнинг физик-механик, физик-кимёвий хоссаларини баҳолаш ва тадқиқот бажарилиш вақтини 2 баробарга камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 11 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилиниб, муҳокама этилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация материаллари 29 та ишда, шу жумладан, 1 та монография, 11 та журнал мақолалари, улардан 3 таси хорижий журналларда, 8 таси Ўзбекистон ВАК рўйхатига киритилган, 8 та хорижий конференциялар маърузалари тўпламларида чоп этилиб, ЭХМ учун «Қумли саҳроларда кўчувчи кумлардан ҳимоя қилишда объектлар ҳимоясини лойиҳалаштиришда макон бўйлаб тақсимланиш ва фаол шамоллар тасвирини олиш» № DGU 04219 муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан ташкил топган. Иш 115 саҳифа матнда баён этилган бўлиб, 18 та жадвал ва 32 та расмни ўз ичига олган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кўчувчи қумларни физик-кимёвий услубини қўллаш муаммосининг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида темир йўлларни кўчувчи қумлар босиши муаммоси ҳамда уларни ҳал қилиш услублари юзасидан маҳаллий ҳамда хорижий мақолаларнинг батафсил тадқиқи келтирилади.

Ўзбекистоннинг табиий-иқлимий ва геологик шароитлари, шунингдек темир йўлларни қумли саҳроларда қуриш ва улардан фойдаланишнинг технологик хусусиятлари таҳлил қилинган. Аниқланишича, Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг 30 % дан ортиқ ҳудудини эгаллаган кўчувчи қумлар, одатда, поездлар ҳаракатининг хавфсизлиги пасайиб кетишига сабаб бўладилар.

Хорижий ва маҳаллий мутахассислар томонидан қумларни мустаҳкамлаш бўйича таклиф қилинган маълум усуллари ўрганиб чиқилди.

Бунда қумни мустаҳкамлашнинг комбинацияланган услублари, биологик ва физик-кимёвий усуллардан фойдаланиш энг мақбул ва истиқболли эканлиги аниқланди. Шу билан бирга қумни мустаҳкамлашнинг барча босқичларида, химоя қобиғини олиш ва рационал экологик жиҳатдан тоза, зарарсиз технологияни амалга оширишдан бошлаб, йил давомида қум мустаҳкамлаш ишлари давомличилигини узайтиришга қадар ресурсларни тежаш тамойилларини тизимли тарзда рўёбга чиқаришга ўтишга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Диссертация иши мавзуси бўйича ўтказилган адабий манбалар обзори асосида тадқиқотларнинг ишчи фарази (гипотезаси) шакллантирилиб, уларнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинди.

Ишчи фараз. Дефляцияга қарши, кўчувчи қумларни мустаҳкамлаш учун самарали қобикни камёб бўлмаган боғловчи материаллар - декстрин, КП-001 полиакриламиделимдан фойдаланиш ҳамда уни ишлаб чиқиш такомиллаштирилган технологияси ҳисобига яратиш мумкин.

“Фойдаланилган материалларнинг таснифи ва тадқиқот услублари” номли иккинчи бобда бошланғич материалларнинг тавсифлари келтирилиб, шунингдек тадқиқотларни амалга оширишда қўлланилган услуб ва асбоб-ускуналар тақдим этилган.

Қумни мустаҳкамлашнинг физик-кимёвий услубининг ресурс тежайдиган технологияларини тадқиқ этишда ўзаро боғлиқ назарий ва экспериментал тадқиқот услублари мажмуидан фойдаланилган ҳолда тизимли ёндашув қўлланган.

Экспериментлар давомида Жанубий Қизилқум саҳроси қумларидан фойдаланиб, у Навоий – Учқудуқ темир йўл линиясининг ажратувчи йўлагидан

олинди. Қумларнинг гранулометриқ таркиби стандарт услубда элақлар тўплами ва лаборатория тарозиси ёрдамида аниқланди. Қумлар йириклик модули 1 га тенг бўлган, яхши сараланган қумлар таркибига кириши маълум бўлди.

Қизилқум қумларининг минералогик таркиби PANalytical фирмасининг Empyrean дифрактометрида ва МБС-2 бинокуляр микроскопи ёрдамида тадқиқ этилди. Қум қуйидаги таркиби қисмлардан ташкил топган: кварц – 60-63 %, альбитлар– 25-26 %; кальцитлар - 7-9 %, амфиболлар – 2%; биотит ва х.к. – 0,2 – 0,6%.

Қумларнинг тузилмавий-механик хоссаларини аниқлаш учун стандарт услублар қўлланди.

Боғловчи материалларнинг (декстрин ва КП-001 елими) кимёвий таркиби ИК-Фурье Nicolet iS50 спектрометрида ўрганилди.

Экспериментал ишларни оптималлаштириш учун экспериментларни математик режалаштириш услубидан фойдаланилди.

Боғловчи-қумли қобик олинганидан ва АИП-1-3 Сунъий об-ҳаво жиҳозиди ГОСТ 23750-79 (эксплуатация шароитларини имитациялаш) бўйича синовлардан ўтказилганидан кейинги физик-механик тавсифлари ВФ35 вискозиметрда тадқиқ этилди.

Боғловчи воситани қумга сингдирилиш чуқурлиги шупли намлик ўлчагич ёрдамида 100 мм чуқурликка, А.И. Адилходжаев томонидан таклиф этилган услубиёт бўйича ўлчанди.

Боғловчи-қумли қобикларнинг пластик мустаҳкамлик қиймати P_m МГУ тизимидаги конуссимон пластометрида аниқланди.

Қум намлиги универсал индуктив намлик ўлчагич ёрдамида ўлчаниб, параллел равишда атмосфера ҳавоси ҳароратива шамол тезлигини GM81брақамли анемометр-термометр билан аниқланди.

Қуруқ ва нам қумлардаги ҳимоя қобиклари тузилмасининг шаклланиш хусусиятлари рентген-тузилма анализи (тахлили) (“Empyrean” дифрактометр) ва ИК спектроскопия услублари ёрдамида ўрганилди (Thermo Scientific (АҚШ) компанияси ИК-Фурье спектрометри Nicolet iS50).

УЧИНЧИ БОБ дефляцияга қарши ҳимоя қопламасининг хоссаларини, шу жумладан боғловчининг оптимал таркибини ишлаб чиқиш, қум мустаҳкамлаш жараёни технологияси ва қум-боғловчи қобигининг тузилма ҳосил қилиш жараёнларини ўрганишга бағишланган.

Қопламаларига қўйиладиган дефляцияга қарши ҳимоя талаблар адабий ва норматив манбалар таҳлилидан аниқлаб олинди: тезкор эластик деформация модули $E_1 < 8 \times 10^6$ Па, секин эластик деформация модули $E_2 < 1,1 \times 10^6$ Па, қайишқоқликнинг мувозанатланган модули $E < 4,4 \times 10^6$ Па, энг катта пластик қовушқоқлик $> 1,05 \times 10^6$ Па·с, улар умумлаштирилган кўринишда пластик мустаҳкамлик билан ифодаланиши мумкин $P_m > 3 \times 10^3$ Па. Шу билан бирга, айрим ишларда тадқиқотларнинг биринчи босқичида оптимал тузилмани баҳолашнинг асосий мезонлари сифатида соф силжиш деформациясида мустаҳкамланган қумнинг тузилма-механик тавсифлари келиши мумкин: эластиклик (λ), статик пластиклик ва период пластик ҳақиқий релаксацияси. Фақат асосий технологик усулни амалга ошириш имкониятини аниқлаб олиш ва барқарор маҳсулот олиш

учун анчагина катта ҳажмдаги экспериментал тадқиқотлар ўтказилиши талаб этилади.

Шу сабабли тадқиқотларнинг дастлабки босқичида вақт ва маблағларни тежаш мақсадида ўрганилаётган структуравий-механик хоссалари сонини рационал чеклаш масаласи кўтарилди.

Тадқиқотларнинг биринчи босқичида лаборатория шароитларида бажарилган экспериментал ишлар натижасида боғловчи моддаларнинг таркиблари ва эҳтимолий концентрациялари аниқлаб олинди. Масалан, декстрин асосидаги ҳимоя қопламасининг пластиклигини ошириш мақсадида у сувда натрий гидроксиди қўшилибсувда эритиладиган госсипол қатрон билан модификацияланди (4 қисм декстринга 1 қисм) ва декстриннинг сув аралашмасидаги концентрацияси 2-2,2% ни ташкил қилди. Боғловчининг сувли эритмасидаги полиакриламидли елим концентрацияси 1,5% ни ташкил қилди.

Ҳимоя қобиклари қуруқ ва нам кум қатламларини боғловчилар таркиби билан сингдириш орқали олинди. Бунда таркибнинг боғловчи сарфи 0,5 дан 3 л/м² гача оралиқда ўзгариб турган.

Олинган ҳимоя қобиклари, улар қалинлиги ўлчанганидан сўнг, шамолга чидамлилиги нуқтаи назаридан аэродинамик трубада Фруд айниятига риоя қилган ҳолда синовдан ўтказилди. Шундан сўнг намуналарнинг пластик мустаҳкамлиги ва масса йўқотиши ўрганилди (1,2-жадвал).

Эксперимент натижаларидан маълум бўлишича, боғловчининг тенг сарфида нам кумдаги ҳимоя қобиғи қуруқ кум устида олинган қобикқа нисбатан шамолда синалганидан сўнг камроқ масса йўқотар экан. Бунда нам кумдаги қобик қалинлигианча кам едирилди (7 баробар кам).

Бу ҳолда қуруқ кумдаги боғловчининг 1,5 л/м² дан кам бўлмаган сарфи билан олинган ҳимоя қобиклари шамол юқламаси таъсирига чидамлироқ бўлиб, нам кумда эса қобикнинг камроқ сарфда турғун бўлиши кузатилди – 0,5 л/м². Фикримизча, боғловчини чуқурроққа сингдириш ҳисобига нам кумдаги қобик қатламининг қалинлашуви ва одатдагига нисбатан икки баробар қалинроқ ҳимоя қатламининг ҳосил бўлиши оқибати бўлса керак.

1-жадвал – 2,2% ли декстрин аралашмасидан бўлган ҳимоя қатлами шамолга бардошлилигининг асосий параметрлари

Боғловчи сарфи $q, \text{л/м}^2$	Қуруқ кумда			Нам кумда		
	Қобик қалинлиги $h, \text{мм}$	Пластик мустаҳкамлиги $P, \text{кПа}$	Намунанинг масса йўқотиши $\Delta m, \%$	Қобик қалинлиги $h, \text{мм}$	Пластик мустаҳкамлиги $P, \text{кПа}$	Намунанинг масса йўқотиши $\Delta m, \%$
3	5-9	3,5-4	0,7	15	3,5-4,5	0,3
2	5-7	3,3-3,5	3-5	10-13	3,5-4,0	0,5
1,5	3-5	3-3,2	15	8-11	3-3,6	1-3
1,0	3	2,7-3	20	5-6	2,7-3,2	3-5
0,5	0-2	-	-	3-4	2,3-2,8	10

2-жадвал – 1,5 % ли аралашмада КП-001полиакриламид елим химоя қатлами шамолга чидамлилигининг асосий параметрлари

Боғловчи сарфи $q, \frac{л}{м^2}$	Қуруқ қумда			Нам қумда		
	Қобик қалинлиги $h, мм$	Пластик мустаҳкамлиги $P, кПа$	Намунанинг масса йўқотиши $\Delta m, \%$	Қобик қалинлиги $h, мм$	Пластик мустаҳкамлиги $P, кПа$	Намунанинг масса йўқотиши $\Delta m, \%$
3	5-10	3,5-4,5	0,7	15-20	5-8	0,3
2	3-5	3,3-3,5	3-5	10-15	3,5-4,0	0,5
1,5	3	3-3,2	20	10-12	3-3,6	1-3
1,0	2	2,5	20	5-10	2,7-3,2	3-5
0,5	0-1	-	-	3-5	2,3-2,8	10

Кўчувчан қумли саҳролар рельефига кўра текисликларга оид эканлигини ҳисобга олиб, (текисликлар учун жой рельефининг $5-10^\circ$ қиялиги хос бўлади) ана шундай қияликлар учун пластик мустаҳкамликнинг талаб даражасидаги катталигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. $5-10^\circ$ ли қияликларда қобикнинг пластик мустаҳкамлик катталиги (қиймати) камида 5 кПа бўлиши шарт.

Қумларни мустаҳкамлаш учун биологик ва физик-кимёвий услубларини ўзида бирлаштириган усул танланганлиги сабабли, фитомелиорация унумдорлиги қобик остида узоқ муддат намликни сақлаш учун зарур физик-механик хоссаларга эга бўлган химоя боғловчи-қум қатламини яратишда яна ҳам ортиб кетишига эътибор қаратилди. Бунинг учун химоя қобиғи остида намлик захирасини яратиш талаб этилади. Бу ишни, аёнки, табиий, шу билан бирга сунъий усуллар ёрдамида таъминлаш, яъни қумни ёмғирдан ёки дастлабки сув сочилишидан (сепилишидан) кейин таъминлаш мумкин бўлади. Шундан кейин турли даражада намланган қумларнинг сингувчанлигини ва чегаравий намлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, сингдиришнамлик 22 % дан камроқ бўлганида бошланар экан (3-жадвал). Сингдириш максимал чуқурликка эришадиган чегаравий намлик, тахминан 20-21% атрофида ўзгариб туради.

Қумга, у намланганидан кейинги эритмани сингдириш жараёнининг эҳтимолий бошланиш вақтини аниқлаб олиш учун 5 мм қалинликдаги қум қатлами намлигини ўзгартириш имконияти ўрганиб чиқилди (1-расм).


Апроксимация ишончлилиги катталиги $R^2=0,936$ га тенг бўлганида олинган боғлиқликка қуйидаги формула билан таъриф берилади:

$$W = 22,08 - 0,177t \quad (1)$$

Бу боғлиқликдан фойдаланиб, ҳамда чегаравий намликни билган ҳолда, намлашдан кейинги сингдириш (шимдириш) ишларининг эҳтимолий бошланиш вақти аниқланиб, у 10-15 дақиқани ташкил қилди.

3-жадвал – Сингдириш усулининг технологик амалга оширилишини аниқлаш мақсадида намлик чегарасини белгилаб олиш (сарф 1,5 л/м²)

Эритма тури	Қум намлиги W, %	Эритма сарфида (л/м ²) қобик қалинлиги h (мм)			Сингувчанлиги
		3	2	1,5	
Декстрин (2,2%)	24	-	-	-	Сингдирилмаган
	22	До 5	До 3	До 3	Қисман сингдириш
	20	15-20	10-15	8-11	Тўлиқ сингдириш
	19	15-18	10-13	8-10	Тўлиқ сингдириш
Полиакрил амид елими (1,5%)	24	-	-	-	Сингдирилмаган
	22	До 5	До 3	До 3	Қисман сингдириш
	20	15-22	11-16	10-12	Тўлиқ сингдириш
	19	15-19	10-15	9-11	Тўлиқ сингдириш



1-расм – Вақт ўтиши билан қум намлигининг ўзгариши

Лаборатория тадқиқотлари натижаларини идентификациялаш учун эксперимент ҳамдатабiiй шароитларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш зарур бўлди. Ҳаво ҳароратининг нобарқарорлигини ҳисобга олиб, биринчи навбатда, синовлар ўтказиладиган ҳарорат режимини аниқлаб олиш талаб этилди. Қум мустаҳкамлаш ишларининг ўтказилишига, соат 9 дан 18 гача бўлган вақтга тўғри келадиган ўртача кунлик ҳарорат ўзгариши аниқлаб олинди. Ана шу мақсадда Ўзбекистоннинг қум дефляцияси юз бериш потенциал хавфи мавжуд бўлган қумли саҳроларга яқин жойлашган 14 та метеостанцияси бўйича сўнгги 30 йил давомида ўртача ойлик ҳаво ҳароратининг статистика таҳлили бажарилган. Натижада ўртача ойлик ҳарорат ўзгаришининг $30 \pm 2^\circ$ га тенг бўлган интервали белгилаб олинди.

Тадқиқотларда сингдириш ишларини ҳароратнинг суткалик ўртача ўзагришлари билан ўзаро боғлаш мақсадида сутканинг турли вақтида куруқ ва нам қумга боғловчилар аралашмаларини сингдириш (шимдириш) бўйича

экспериментлар амалга оширилган. Натижада сингдириш ишлари бажариладиган кун вақти ҳимоя қобиғи қалинлигига деярли таъсир қилмаслиги маълум бўлди. Шунинг ишларни амалга ошириш вақти қобиқнинг пластик мустаҳкамлигига ҳам таъсир кўрсатмайди.

Сувга тўйинган кумларни мустаҳкамлашда ($W=20\%$) пластик мустаҳкамлик P_m нинг ҳаво-қуруқ ҳолатда маҳкамланган кумлар мустаҳкамлигига нисбатан 1,5-2,0 марта ортганлиги кузатилди. Демак, нам ҳолдаги кўчувчи кумларни мустаҳкамлашда ҳимоя қобиғининг талаб даражасидаги турғунлигига боғловчи материалнинг камроқ солиштирма сарфи билан эришиш мумкин.

Боғловчилар аралашмалари концентрациясини оптималлаштириш учун биринчи босқичда боғловчини сингдириш чуқурлигининг аралашма концентрациясига боғлиқлиги тадқиқ этилди. Қобиқнинг керакли қалинлиги, яъни $h \geq 5$ мм ни боғловчи аралашмасининг концентрацияси 8% дан катта бўлмаган ҳолларда олиш мумкинлиги аниқланди.

Ҳимоя қобиғи пластик мустаҳкамлиги кўрсаткичлари P_m нинг боғловчи таркиби сарфи q га ва унинг концентрацияси C_g га боғлиқлигини ўрганиш эса чегаравий-йўл қўйиладиган қиймат – $P_m \geq (2,5 - 2,7)$ кПа ни таъминлайдиган аралашма концентрациясининг ўзгарувчан интервалини қисқартириш имконини берди (2-расм). Масалан, декстрин эритмаси учун концентрациялар ўзгарувчан интервали 2-8% ни ташкил қилса, КП-001 елими эритмаси учун - 1,5-8 % ни ташкил этади.

Ресурс тежаш мақсадида кумларни мустаҳкамлаш учун эритмаларнинг минимал концентрациялари олинди: декстрин -2,2%, КП-001 елими – 1,5 %.


Боғловчи эритмаларнинг узил-кесил таркиби қуйидагича қабул қилинди:

- 1) декстрин асосида: декстрин – 2,2%; NaOH – 0,4%; госсипол қатрон – 0,6%; сув 96,8%;
- 2) елим асосида: полиакриламид елими – 1,5 %; сув – 98,5%.


Қуруқ ҳамда $W = 20$ % намликка эга бўлган кумларни аралашма сингдириш билан, боғловчи аралашманинг қуруқ қумга сингдирилиши орқали 3 дан 5 л/м² гача солиштирма сарфи билан ҳосил қилинган боғловчи-қум қобиқлари тавсифларининг тадқиқотлари кўрсатишича, қобиқ бунда, шамолга чидамлилиқ нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда талаб этилган даражадан 2-4 марта қалин бўлар экан.

Ресурс тежаш мақсадларида, аралашма боғловчи сарфини йўл қўйиладиган минимал қалинликдаги қобиқ олинишини таъминлайдиган катталиқка қадар камайтириш мақсадга мувофиқ.

Боғловчи аралашма сарфини оптималлаштириш мақсадида қатор тадқиқотлар цикли ўтказилди. Аниқланишича, қуруқ қумда ва декстрин, ҳамда полиакриламидли елим асосида $h \geq 5$ мм қалинликдаги қобиқ ҳосил қилиш учун 3,0 до 3,5 л/м² гача боғловчи сарфи етарли бўлса, нам қумда эса боғловчи сарфи 1,5% га қадар камаяди. Бунда қобиқларнинг пластик мустаҳкамлик қийматлари 4-4,5 кПа атрофида бўлиб, бу талаб этилаётган $P_m \geq 2,7$ кПа қийматидан анча катта.



1, 2, 3, 4 – мос равишда 1,5; 2, 5, 8 % ли декстрин эритмаларидан олинган химоя қобиклари; 5 – пластик мустаҳкамлик чегаравий-зарур қийматининг чизиғи;
2-расм- Пластик мустаҳкамлик P_m нинг декстрин эритмалари (ҳаво-қурук қум) сарфи q ва концентрацияси C га боғлиқлиги



1, 2, 3, 4 – мос равишда КП-001 елимининг 1,5; 2, 5, 8 % эритмаларидан олинган химоя қобиклари; 5 – пластик мустаҳкамликнинг чегаравий-зарур қиймати чизиғи;

3-расм - P_m пластик мустаҳкамлигининг q сарфи ва КП-001 елими эритмалари C концентрациясига боғлиқлиги (ҳаво-қурук қум)

Эксперимент маълумотларига ишлов бериш оқибатида қобик қалинлиги ҳамда пластик мустаҳкамлигининг декстрин эритмасининг 2,2 % ли энг тежамкор концентрациясининг солиштирма сарфига боғлиқлиги тенгламалари ҳам олинди

- қурук қумда:

$$h_1 = 1,942q - 1,038 \quad (2)$$

$$P_{m1} = 1,714q - 0,523 \quad (3)$$

- намлиги қуйидагича бўлган қумда $W = 20$ %:

$$h_1 = 3q + 0,166 \quad (4)$$

$$P_{m1} = q + 1,166 \quad (5)$$

Шунингдек худди ана шундай боғлиқликлар КП-001 елими аралашмасининг 1,5 % ли энг тежамкор концентрациясининг солиштирма сарфидан олинди

- курук кумда:

$$h_1 = 2q - 1 \quad (6)$$

$$P_{m1} = 1,885q - 1,409 \quad (7)$$

- намлиги қуйидагича бўлган кумда W = 20 %:

$$h_1 = 3q + 0,5 \quad (8)$$

$$P_{m1} = 3q + 0,833 \quad (9)$$

Ишлаб чиқилган химоя қобикларининг қурилиш-технологик тавсифлари аниқланиб, улар қобикларнинг шамолга бардошлилик талабларига жавоб беришини тасдиқладилар (4-жадвал).

4-жадвал–Химоя қобигининг қурилиш-технологик тавсифлари

Қуйидагилар асосидаги боғловчилар:	h (mm), $P_m(P_m 10^3)$, q (л/м ²)					
	Ҳаволи-курук кумда			Нам кумда, W = 20 %		
	h	P_m	q	h	P_m	q
декстрин	5	4 -4,5	3	5	2,7-3	1,5
полиакриламид елими	5	4,2-4,5	3,2	5	3-5	1,5

Шундай қилиб, боғловчи эритмаларнинг рационал солиштирма сарфлари ва концентрациялари аниқланди (5-жадвал).

Нам кумда берилган хоссали қобик ҳосил қилишга боғловчининг камроқ сарфи билан эришилиб, бу, фикримизча, унинг чуқурлигига кўра тақсимланиш характери, ҳамда сингдириш тезлигига боғлиқ.

5-жадвал – Эритмаларнинг тавсия этилган концентрациялари ва солиштирма сарфлари

Боғловчи тури	Концентрация, %	Боғловчиларнинг солиштирма сарфи q , л/м ²	
		Ҳаволи-курук	Нам
Декстрин эритмаси	2,2	3,2-3,5	1,5
КП-001 елими эритмаси	1,5	3,0-3,3	1,5

Ишлар якунида кенг кўламли химоя қобиклари боғловчи-кумли материаллари билан қатор физик-кимёвий тадқиқотлар ўтказилиб, улар химоя қобиклари боғловчи-кумли материалларининг тузилма ҳосил қиладиган хусусиятларини аниқлашга қаратилган. “Empugeen” дифрактометрида қобиклар материалларининг рентгенструктуравий анализи амалга оширилди. Рентгенограммалар хемосорбцион боғлиқликлар йўқлигидан далолат бериб, бу

боғловчи-кумдан иборат ҳимоя қатламининг тузилмаси боғловчининг кум доначаларини бир-бирига ёпиштириб кўядиган физик адсорбцияланиш ҳодисаси таъсирида шаклланишини кўрсатади. Бундан ташқари, елим ва декстриннинг сувли аралашмалари асосан "Микрослюда" (Microcline) ва "Дала шпати" (Albite) фазалари билан яхши боғланиши (киришиши) аниқланди. Нам кум ҳолатида бу жараён боғловчи сингдирилишига қадар юз беради. Нам кумга боғловчи сингдирилганида, балки, юқорида айtilган биргаликдаги ҳаракат тугалланиб улгурилади –микрослюда қатламлари нам билан тўлади. Шундан келиб чиқиб, боғловчи камроқ сарфланиши ва уни сингдириш чуқурлиги ортиши ҳимоя қобиғининг турғунлигига доир талабларнинг бажарилиши билан изоҳланади (6-жадвал).

Материалларнинг нам кумда олинган рентгенограммаларида кўриниб турибдики, сув ва полиакриламид учун хос бўлган пик (ўта юқори) меъёрлар куруқ кумда олинган материаллар рентгенограммаларидаги шу каби пик (чўққи)ларга нисбатан бир неча марта кам. Эҳтимол, буниқум заррачаларининг юзасида адсорбцияланган сувнинг коллоид қатламлари ортиб бориши билан изоҳланса керак. Бунда боғловчи кумга кириб борадиган каналлар ўлчами 10^{-2} мм дан ҳам кичик ўлчамга қадар кичрайиб, бу охир-оқибатда сингдириш (шимдириш) асосан гравитацион кўринишдан капилляр характер олиши, ўзгаришига олиб келади. Нам субстратга аралашма сингдириш намловчи фаза тўйинганлигини катталаштириб, бу эритманинг нам кумга чуқурроқ кириб бориши сабабларидан бири бўлиб келади.

Тадқиқотлар нам кумга аралашмани сингдириш суръати куруқ кумга ишлов беришга нисбатан камроқ эканлигини кўрсатиб, бу ҳимоя қобиғининг юқори қатламида нисбатан чуқурроқ адсорбция юз беришини келтириб чиқаради.

6-жадвал – Эритма сингиш чуқурлигининг вақтга боғлиқлиги (боғловчиларнинг куруқ кумдаги солиштирма сарфи $3,0 \text{ л/м}^2$)

Сингдириш усуллари	Сингдириш бошланишидан ўтган вақт, с	Қатламнинг қобик юзасидан бошлаб қалинлиги, мм	
		декстрин	КП-001елими
Куруқ кумда (3-5 %)	0	0	0
	1	6	7
	2	10	12
	3	11	11
	4	11	11
Нам кумда (20 %)	0	0	0
	60	6	7
	120	9	10
	180	12	13
	300	15	15
	420	20	20
	480	20	20

Боғловчи-қумли қобикларнинг тузилмасини ўрганиш ИК-спектроскопия ёрдамида ҳам амалга оширилди. Эритмани нам субстратга сингдириш намлаш фазасининг тўйинганлигини, бойиганлигини ошириб, эритманинг нам қумга чуқурроқ киришига олиб келиши аниқланди.

Шундай қилиб, рентген ва спектроскопия натижалари қумни мустаҳкамлашнинг технологияси такомиллаштирилганида ва ресурслар жиддий тежалганида ҳам берилган хоссали ҳимоя қобикларини ишлаб чиқиш имконияти тўғрисидаги ишчи фараз тўғрилигини тўлиқ тасдиқлади.

ТЎРТИНЧИ БОБДА қумни мустаҳкамлашнинг таклиф этилган усулининг иқтисодий самарадорлиги асосланиб, ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиниш натижалари тақдим этилди.

Энг кенг тарқалган ва таклиф этилган олти усул ёрдамида қумни мустаҳкамлашнинг иқтисодий самарадорлиги 2018 йил апрел ойи нархларидаўзаро солиштирилди.

Маълум таркиблар ичида энг тежамкор турларидан бири бўлган, госсиполэмульсияси асосидаги таркибларга нисбатан, декстрин асосидаги боғловчи таркибдан фойдаланишда ҳар гектарга 1225 минг сўм, полиакриламид елими асосидаги эритма қўлланганида эса – 1575 минг сўм маблағ тежаш имконини беради.

Ўзбекистонда ишлатилаётган қамишдан ясалган тўрларга нисбатан декстрин асосидаги боғловчи таркибдан фойдаланиш ҳар гектарга 5646 минг сўм, полиакриламид елими асосидаги эритма қўлланганида эса – 5996минг сўм маблағ тежаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларини тажриба-ишлаб чиқариш тариқасида татбиқ этиш 2015-2016 йиллар давомида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ темир йўлларининг Навой-Учкудук-Мискин линиясининг қум босадиган участкаларида:2015 йилда Км 273 ПК0+00 – ПК5+00 участкада; 2016 йилда -Км 274 ПК 0+00 – 2+50 қуруқ ва нам ҳолдаги қумларни олинган таркиблар билан полосали ишлов бериш орқали мустаҳкамлаш билан бажарилган.

Тадқиқотлар натижаларининг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши аралашмаларнинг ишлаб чиқилган таркиблари ва такомиллаштирилган технологиянинг самарадорлигини тўлиқ тасдиқлади. Навой-Учкудук-Мискин темир йўли участкаларида олинган ҳимоя қобиклари уларнинг йил давомида шамол-қум оқими таъсирига чидамли ва барқарор эканлигини таъминлайдиган технологик тавсифларга ($P_m \geq 2,5$ кПа, $h \geq 5$ мм) эга бўлдилар.

Янги таркиблар ва янги технологияни татбиқ этиш ва ишларни ялпи механизациялаш ҳисобига меҳнат сарфини 60 % га эришилди; боғловчи ишчи таркибининг солиштира сарфини камайтириш ва нам қум майдонида полосали қилиб ишлов бериш ҳисобига 50% материал тежалди; шунингдек қумда ўсадиган ўсимликлар уруғларининг униб чиқиш даражаси (фитомелиорация) 15 % га яхшиланди.

ХУЛОСА

1. Ҳимоя қобикларининг қум-шамол оқимиға бир йил давомидаги турғунлик мезонлари– қумли асоснинг мос равишда горизонтал ва қия юзаларидаги қобик қалинлиги $h \geq 5$ мм ва пластик мустаҳкамлиги $P_m \geq (2,5 \dots 5$ кПа аниқланди.

2. Муайян мезонлари асосида дефляцияга қарши химоя қум-боғловчи қобикни турғунлигини баҳолаш учун экспресс-усули ишлаб чиқилди, утадқиқ этиладиган тавсифлар миқдорини илмий асосланган тарзда иккитагача (қобик қалинлиги ва унинг пластик мустаҳкамлиги) қисқартиришга имкон берди.

3. Қумнинг намлик омили аниқланди, химоя қобиғини олишда боғловчи сарфини 10-15 % га камайтириш ва қумларни мустаҳкамлаш ишларини ўтказишга яроқли даврни узайтириш манбаи сифатида олиниб, буқумли асосни дастлаб намлаш операциясини жорий қилиш йўли билан қум мустаҳкамлаш технологиясини такомиллаштириш имконини берди.

4. Тадқиқотларнинг физик-кимёвий усуллари (рентген-фазали анализ ва ИК-спектроскопия) ёрдамида нам кўчувчан қумларни боғловчи моддаларни сингдириш жараёнида гравитацион кучларининг устунлиги капилляр кучларга ўзгариши аниқланди. Бу боғловчи сарфи камайиши сабабини очиб берди.

5. Кўчувчан қумларнимустаҳкамлаш учун маҳаллий ишлаб чиқарилган боғловчилар - декстрин ва КП-001полиакриламиделими асосидаги сув эритма таркиблари яратилди:

- декстрин– 2,2%; NaOH– 0,4%; ГС– 0,6%; сув – 96,8%.

- КП – 001полиакриламиделими- 1,5 %; сув – 98,5. Бу эритмалар кўчувчан қумга шимдириб ҳосил бўлган химоя қобиғининг қум-шамол оқимиға турғунлигини таъминлаб бердилар.

6. Техник-иқтисодий самарадорлик ҳисоб-китобларидан маълум бўлишича, химоя қобиғини олиш учун мўлжалланган ва боғловчиларнинг ишлаб чиқилган таркибларинива такомиллаштирилган қум мустаҳкамлаш технологиясини қўллаш меҳнат сарфини 60 % га ошириш, боғловчилар сарфини 50 % га камайтириш, экилган уруғларнинг униб чиқиш даражасини 15 % га ошириш имконини яратади.

Тадқиқотлар натижалари Навоий - Учқудуқ - Мискин темир йўл линияси участкаларида жорий этилди. Кўчувчан қумларни янги таркиблар билан ва технология ёрдамида мустаҳкамлашнинг чора-тадбирлари мажмуининг жорий этилишидан кутилаётган иқтисодий самара госсиполли эмульсия асосидаги таркибларга нисбатан маълум услублар орасида энг тежамкор бўлиб, декстрин асосидаги боғловчи восита таркиби ҳар 1 гектарга қўлланганида тежалган 1225 минг сўмни, полиакриламид елими асосидаги боғловчи воситадан фойдаланганда эса – 1575 минг сўмни ташкил қилади; Ўзбекистонда ишлатилаётган қамишли катак қафасларга нисбатан декстрин асосидаги боғловчи аралашма қўлланганида ҳар 1 гектарга 5646 минг сўм, полиакриламид елим асосидаги боғловчи воситадан фойдаланишда – 5996 минг сўмга тенг.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ Dsc 27.06.2017.Т.11.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ, ТАШКЕНТСКОМ
ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА,
САМАРКАНДСКОМ АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ И
НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ

ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО
ТРАНСПОРТА

МУЗАФФАРОВА МАУЖУДА КАДЫРБАЕВНА

РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩЕЕ ЗАКРЕПЛЕНИЕ ПОДВИЖНЫХ ПЕСКОВ
ВЯЖУЩИМИ МАТЕРИАЛАМИ МЕСТНОГО ПРОИЗВОДСТВА

05.09.05 – Строительные материалы и изделия

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (DPh)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент - 2018

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (DPh) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.1.PhD/T128

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.taqi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Мирахмедов Махамаджон Мирахмедович**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Ходжаев Саидаглам Аглоевич**
доктор технических наук, профессор
Махаматалиев Иркин Муминович
кандидат технических наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский институт по проектированию,
строительству и эксплуатации автомобильных
дорог**

Защита диссертации состоится 18 декабря 2018 года в 13⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.11.01 при Ташкентском архитектурно-строительном институте, Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта, Самаркандском Государственном архитектурно-строительном институте и Наманганском инженерно-строительном институте (Адрес: 100011, г. Ташкент, ул.Навои, 13. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского архитектурно-строительного института (зарегистрирована № 16). (Адрес: 100011, г. Ташкент, ул. Навои, 13. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00).

Автореферат диссертации разослан 5 декабря 2018 года.
(реестр протокола рассылки № 3 от 16 ноября 2018 года).

Х.А. Акрамов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Х.Х. Камилов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.т.н., доцент

С.А.Ходжаев
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению ученых
степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация докторской (DPh) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире, с ростом доли строительства и эксплуатации транспортных сетей, в частности, железных и автомобильных дорог, придается важное значение обеспечению безопасности движения, снижению негативных влияний на их состояние и транспортные потоки. В развитых странах, в частности в США, Франции, Китае, России, Беларуси, Казахстане, выявлению природных климатических условий и других факторов, изучению их негативного влияния на автомобильные и железные дороги, совершенствованию технологии защиты от ветра и подвижных песков уделяется серьезное внимание. В связи с этим ведущее место занимает разработка методов и технологий защиты объектов от подвижных песков, ресурсосберегающих методов исследования оценки противодефляционной устойчивости вяжуще-песчаной защитной корки на основе определенных критериев, получения новых составов вяжущих для закрепления песков.

В мире ведутся научные исследования, направленные на усовершенствование технологий механических, физико-химических, биологических методов защиты объектов от песчаных заносов или их комбинаций. В связи с этим особое значение приобретает совершенствование имеющихся способов, относящихся к физико-химическому методу создания ресурсосберегающей технологии получения защитной корки пропиткой подвижного песка вяжущими веществами. В том числе, необходимыми считаются разработки ресурсосберегающих методов исследования устойчивости корки по определенным критериям оценки, новых составов вяжущих материалов из второстепенного сырья местного производства для получения защитной корки пропиткой ими сухого и влажного песка, разработки технологий получения защитной корки.

В нашей республике осуществляются широкомасштабные меры и достигнуты существенные результаты по внедрению ресурсосберегающих эффективных технологий в строительство специальных и транспортных сооружений и в сферу их эксплуатации, в частности, в улучшение состояния автомобильных и железных дорог, в развитие дорожно-транспортной инфраструктуры. В стратегии действий Республики Узбекистан в 2017—2021 годах указано, что одним из приоритетных направлений развития экономики является «... повышение конкурентоспособности национальной экономики, ... сокращение в экономике энергетических и материальных расходов, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий».¹ Одним из важных вопросов при реализации этих задач является решение вопросов по ресурсосберегающему закреплению подвижных песков физико-химическим методом недефицитными материалами, совершенствование технологии создания защитного материала и методики исследования его на ветроустойчивость,

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947«О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

позволяющих достичь существенного энерго- и ресурсосбережения в строительном производстве.

Диссертационное исследование служит выполнению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 28 сентября 2016 года “О программе мер по дальнейшему развитию строительной индустрии на 2016-2020 годы” и Постановление Президента Республики Узбекистан от 2 декабря 2017 года № ПП-3422 "О мерах по совершенствованию транспортной инфраструктуры и диверсификации внешнеторговых маршрутов перевозки грузов на 2018-2022 годы"

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследования выполнены в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Пустыни и полупустыни занимают на поверхности Земли 31,4 млн. км², в том числе Сахара и Калахари в Африке, Гоби и Такла-Макан в Азии, Мохаве с ее Долиной смерти в Северной Америке. Об этом свидетельствуют многочисленные публикации на английском, французском и русском языках (Toupet Charles - Paris; Ashkenazy Y., Yizhaq H., Tsoar H. - Australia; Courel M.- Paris; Rochette R. - Weikersheim Margraf, Ивлев Н.П.- Казахстан, Каменев А.М.- Россия).

